

## Меҳр манбай

Жорий йилнинг 22 декабрь куни Институтимиз ҚҲМ факультети Ёшлар иттифоқи кенгаши талабалари ташаббуси билан Тошкент шаҳар М.Улуғбек туман Қорасув даҳасида жойлашган 105-сонли имконияти чекланган болалар мактаби интернатига хайрия тадбири уюштирилди. Тадбир давомида ҚҲМ факультети томонидан янги йил эртаги деб номланган саҳна кўриниши болалар эътиборига ҳавола этилди. Болажонларга дастурхон ёзилиб ош тайёрланди, байрам муносабати билан ҳар хил қизиқарли ўйинлар ташкил этилди ва албатта ҳар бир болажонларга совғалар улашилди. Бу тадбир ва совғалар ҳаммага манзур бўлди ва у ерда тарбияланувчилар юзида таббасум югурди деб иккilanмай айтишимиз мумкин. Бу тадбирни ташкил этишда яқиндан ёрдам берган Институт раҳбариятига, ёшлар билан ишлаш бўйича проректор К.Шавазовга, Институт касаба уюшма қўмитаси раиси Ф.Ирисовга, ҚҲМ факультети декани У.Қўзиевга ва маънавий-марифий ишлар бўйича декан мувонини И.Раҳимовга ҳамда ҚҲМ факультети барча фаол талабаларига ўз миннатдорчилигини билдиради.



**ҚҲМ факультети Ёшлар иттифоқи кенгаши ахбороти**

**Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**